**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING**

# QARORI

# РЕШЕНИЕ

**ХОКИМА САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

2019 yil «25» январь 31-К - sonli

Samarqand sh.

**Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 385-386-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2010 й., 17-сон, 131-модда) ҳамда Ўзбекстон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Қуйидагилар:

Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари миқдорлари 1-иловага;

Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан бино, иншоотларни ва инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган мажбурий хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 17 февралдаги “Вилоятдаги бозор ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматларнинг янги миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги 100-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат унитар корхонаси мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **Э.Турдимов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMLIGI DEVONXONA

Вилоят ҳокимининг
2019 йил "25" январь даги
31-К -сонли қарорига
1-илова

# Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари миқдорлари

| т/р | Маҳсулот тури | Ўлчов бирлиги | Олинадиган тўловлар | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Самарқанд, Каттақўрғон шаҳри, Ургут ва Самарқанд туманлари бозорларида | Нурабод ва Қўшрабод туман бозорларида | Вилоятнинг қолган туман бозорларида |
| **I.** | **Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимларининг миқдори.** | | | | |
| 1. | **Маҳсулотларни савдо ўринларида сотиш:** | | | | |
| 1.1. | **Мевалар:**<br>**Ҳўл мевалар:** олма, анор, нок, шафтоли, анжир, олхўри, гилос, кўк ва қизил султон, ўрик, узум, олча, кулупнай, малина ва х.к. | 1 ўрин/кунга | 5 000 | 3 000 | 4 000 |
| | цитрус ва тропик мевалар (апельсин, мандарин, лимон, банан, ананас, киви, ва х.к.) ҳамда чет элдан келтирилган бошқа ҳўл мевалар. | 1 ўрин/кунга | 9 000 | 4 000 | 5 000 |
| | **Қуруқ мевалар, ёнғоқлар:** туршак, баргак, майиз, ёнғоқ, ер-ёнғоқ, бодом, писталар, шўрданак ва х.к. | 1 ўрин/кунга | 9 000 | 4 500 | 6 500 |
| 1.2. | **Сабзавотлар:** картошка, пиёз, карам, сабзи, саримсоқ, лавлаги, шолғом, булғор қалампири, бақлажон, патиссон, помидор, бодринг (шу жумладан, иссиқхоналарда етиштирилган помидор ва бодринг)ва х.к. ҳамда пиширилган жўхори | 1 ўрин/кунга | 3 500 | 2 500 | 3 500 |
| 1.3. | **Полиз маҳсулотлари:**<br>ҳандалак, қовун , тарвуз, қовоқ ( 6 кв.метргача) | 1 ўрин/кунга | 9 000 | 4 500 | 5 500 |
| 1.4. | **Дон маҳсулотлари:**<br>гуруч, кунгабоқар, ёрмалар (крупа), буғдой, сули, арпа ва х.к. | 1 ўрин/кунга | 6 000 | 3 500 | 4 500 |
| 1.5. | **Дуккакли маҳсулотлар:**<br>мош, ловия, нўхат ва х.к.. | 1 ўрин/кунга | 5 500 | 2 500 | 4 000 |
| 1.6. | **Сут маҳсулотлари:**<br>сут, қатиқ, қаймоқ, сметана, уй пишлоғи, сузма ва х.к. | 1 ўрин/кунга | 4 000 | 2 500 | 3 000 |
| 1.7. | **Тузламалар:**<br>карам, бодринг, помидор, ва х.к. | 1 ўрин/кунга | 5 000 | 3 000 | 3 500 |
| 1.8. | **Зиравор ва дориворлар:**<br>(зира, мурч, қалампир ва х.к.) **ҳамда асал** | 1 ўрин/кунга | 4 500 | 3 000 | 4 000 |
| 1.9. | **Кўкатлар** (шу жумладан иссиқхонада етиштирилганлар) | 1 ўрин/кунга | 4 000 | 2 500 | 3 000 |
| 1.10. | **Тухум** | 1 ўрин/кунга | 4 500 | 3 000 | 3 500 |
| 1.11. | **Гуллар ва кўчатлар** ( 6 кв.метргача) | 1 ўрин/кунга | 4 000 | 2 000 | 3 000 |
| 1.12. | **Нон маҳсулотлари** (оби нон, патир ва х.к.) | 1 ўрин/кунга | 3 500 | 2 000 | 3 000 |
| 1.13. | **Уйда тайёрланган консерваланган маҳсулотлар, пазандалик маҳсулотлари ва уй шароитида тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари** | 1 ўрин/кунга | 5 000 | 3 000 | 3 500 |
| 1.14. | **Саноат йўли билан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари, салқин ичимликлар** | 1 ўрин/кунга | 10 500 | 6 500 | 9 000 |
| 1.15. | **Миллий таомлар** | 1 ўрин/кунга | 10 000 | 6 000 | 8 000 |
| 1.16. | **Полиэтилен ва қоғоз пакетлар, саватлар ва посилка кутилар** | 1 ўрин/кунга | 4 000 | 2 000 | 3 000 |
| 1.17. | **Супурги** | 1 ўрин/кунга | 4 000 | 2 500 | 3 000 |
| 1.18. | **Тирик балиқ** | 1 ўрин/кунга | 11 000 | 7 500 | 9 000 |
| 1.19. | **Халқ ижодкорлиги, халқ ҳунармандчилиги ва косибчилик товарлари:** ( 6 кв.метргача) | 1 ўрин/кунга | 5 000 | 3 000 | 4 000 |
| 2. | **Гўшт маҳсулотлари;**<br>мол, қўй ,чучка, парранда гўшти, жигар, думба ва х.к. | | | | |
| 2.1. | **мол, қўй, чучка ва бошқа ҳайвонлар гўштлари, думба, жигар** | 1 ўрин/кунга | 20 000 | 13 000 | 16 000 |
| 2.2. | **парранда гўшти, тил, калла-поча ва х.клар алоҳида сотилганда** | 1 ўрин/кунга | 12 000 | 6 000 | 7 000 |
| 3. | **Маҳсулотларини автомашиналардан сотиш:** | | | | |
| | енгил автомашиналардан | 1 машина | 16 000 | 12 000 | 15 000 |
| | юк автомашиналардан | 1 машина | 22 000 | 15 000 | 20 000 |
| | тиркамли, ярим тиркамли юк автомашиналари ва автопоездлардан | 1 машина | 14 000 | 10 000 | 12 000 |
| | маҳсулотларни ердан сотиш (савдо расталаридан ташқарида, махсус ажратилган жойларда) (6 кв.метргача) | 1 ўрин/кунга | 6 000 | 4 000 | 5 000 |
| 4. | **Уй ҳайвонлари учун ем-озуқалар (ҳар бир тиркама ёки юк автомашинаси учун):** шрот, шелуха, комбикорма, пичан, сомон, гуруч ва маккажўхори пояси ва х.к. | 1 машина | 8 500 | 5 500 | 6 500 |

| т/р | Маҳсулот тури | Ўлчов бирлиги | Олинадиган тўловлар | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Самарқанд, Каттақўрғон шаҳри, Ургут ва Самарқанд туманлари бозорларида | Нурабод ва Кўшрабод туман бозорларида | Вилоятнинг қолган туман бозорларида |
| 5. | **Тайёр устки кийимлар, ички кийимлар, ўрин-тўшак жиҳозлари, газламалар, турли хилдаги мато жилдлар, пайафзаллар ва бошқа саноат моллари** | 1 жой учун | 8 500 | 5 500 | 7 000 |
| 5,1. | **Телевизор, орг-техника, мебел жиҳозлари, гилам маҳсулотлари ва х.к . (6 кв.метр)** | 1 жой учун | 11 000 | 6 000 | 8 500 |
| 6. | **Илгари фойдаланишда бўлган буюмларни сотиш:**<br>**- уй рўзгор жиҳоз буюмлари ва кийим кечаклар** | 1 ўрин/кунга | 4 500 | 3 000 | 3 500 |
| 7. | **Автотранспорт воситаларини сотиш:** | | | | |
| 7.1. | енгил автомашиналар ва микроавтобуслар, шундан | | | | |
| | GM-Ўзбекистон (УзДЭУ) ва хорижда ишлаб чиқарилган енгил автомашиналар | 1 дона | 30 000 | х | х |
| | МДҲ (СНГ) давлатларида ишлаб чиқарилган автомашиналар | 1 дона | 20 000 | х | х |
| | юк автомашиналари, автобуслар, тракторлар ва бошқа юк кўтарувчи транспорт воситалари | 1 дона | 27 000 | х | х |
| | мотоцикл, мотореллер ва мопедлар | 1 дона | 7 000 | х | х |
| | велосипедлар | 1 дона | 5 000 | 3 000 | 3 000 |
| 7.2. | **Илгари фойдаланишда бўлган эҳтиёт қисмларини сотиш:**<br>-автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар | 1 ўрин/кунга | 6 000 | 4 000 | 5 000 |
| 8. | *** Мол бозорига олиб кириладиган ҳар бир чорва моллари учун:** | | | | |
| 8.1. | **От, той, туя** | 1 бош | 18 000 | 18 000 | 18 000 |
| | буталоқ, эшак | 1 бош | 10 000 | 10 000 | 10 000 |
| 8.2. | **Йирик шохли қорамол :** | | | | |
| | йирик шохли қорамол (шу жумладан, сигир бузоғи билан) | 1 бош | 22 000 | 22 000 | 22 000 |
| | Бузоқ | 1 бош | 15 000 | 15 000 | 15 000 |
| 8.3. | **Майда шохли қорамол:** | | | | |
| | қўй, эчки (қўй қўзиси билан, эчки улоғи билан ва х.к.) | 1 бош | 16 000 | 16 000 | 16 000 |
| | қўзи, улоқ | 1 бош | 11 000 | 11 000 | 11 000 |
| 8.4. | **Чўчқалар, чўчқа болалари** | 1 бош | 11 000 | 11 000 | 11 000 |
| 9. | **Уй паррандалари:**<br>курка,товуқ, ўрдак, гоз | 1 бош | 2 000 | 2 000 | 2 000 |
| | товуқ, курка, ўрдак, гоз жўжалари | 10 бош | 2 000 | 2 000 | 2 000 |
| 10. | **Итлар ва мушуклар** | 1 ўрин/кунга | 6 000 | 3 000 | 4 000 |
| 11. | **Манзарали қушлар ва балиқлар** | 1 ўрин/кунга | 6 000 | 3 000 | 4 000 |
| 12. | **Итлар, мушуклар, манзарали кушлар ва балиқлар учун озуқалар ҳамда тегишли аксессуарлар ва буюмлар** | 1 ўрин/кунга | 2 500 | 1 500 | 2 000 |
| 13. | **Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва балиқлар, шунингдек уларнинг озуқалари тегишли аксессуарлар ва буюмлар, бир жойда** | 1 ўрин/кунга | 4 500 | 2 500 | 3 000 |
| 14. | **Махсус ажратилган жойларда оғир ва катта ўлчамдаги қурилиш материалларини сотиш:** | | | | |
| 14.1. | 6 кв.метргача | 1 ўрин/кунга | 8 500 | 8 500 | 8 500 |
| 14.2. | 6 дан - 15 кв.метргача | 1 ўрин/кунга | 12 000 | 12 000 | 12 000 |
| 14.3. | 15 дан - 30 кв.метргача | 1 ўрин/кунга | 14 000 | 14 000 | 14 000 |
| 15. | **Қурилиш материалларини вақтинчалик сақлаш учун** | 1 ўрин/кунга | 8 000 | 8 000 | 8 000 |
| 16. | **Кичик ўлчамдаги қурилиш материаллари (майда ўлчамли), сантехника, ёритиш ускуналарини (люстра, светильниклар ва х.к.) сотиш (6 кв.метргача)** | 1 ўрин/кунга | 9 000 | 9 000 | 9 000 |
| 17. | **Маҳаллий (терак, қамич, сомон ва ҳ.қ.) ва эски қурилиш материаллари** | бир кв.метр | 300 | 300 | 300 |

*Изоҳ:1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1 - 1.2 погон метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади.*

*2. Қишлоқ хўжалики маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари аралаш ҳолда сотилганда, тўлов сотиладиган маҳсулот турлари бўйича белгиланган энг юқори ставка бўйича ундирилади.*

*3. Кўшрабод, Иштихон, Қаттақўрғон, Пайариқ ва Ургут туман деҳқон бозорларида майизни катта тарозига тортишда ҳар-бир кг. учун 250 сўм патта пули ундирилсин.*

Вилоят ҳокимининг
2019 йил "25" январ даги
31-К -сонли қарорига
2-илова

## Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан бино, иншоотларни ва инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган мажбурий хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдорлари

*сўмда*

| т/р | Кўрсатиладиган хизматлар тури | Ўлчов бирлиги | Олинадиган тўловлар | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Самарқанд, Каттақўрғон шаҳри, Ургут туманлари бозорларида | Самарқанд, Пастдарғом ва Нарпай туманлари бозорларида | Вилоятнинг қолган туман бозорларида |
| 1. | **Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара тўлови:** | | | | |
| | Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш | 1 кв.м./ ойига | 24 000 | 20 000 | 16 000 |
| | Умумий овқатланиш | 1 кв.м./ ойига | 24 000 | 20 000 | 16 000 |
| | Маиший хизмат кўрсатиш | 1 кв.м./ ойига | 15 000 | 13 000 | 11 000 |
| | Бошқа турлар (омбор, офис, дорихона, пайнет ва х.к.) | 1 кв.м./ ойига | 15 000 | 13 000 | 11 000 |
| 2. | **Инвентарларни ижарага бериш:** | | | | |
| 2.1. | **Тош-тарозилар учун** | 1 кунга | 3 000 | 2 500 | 1 500 |
| 2.2. | **Катта юк тортиш тарозилари учун** | | | | |
| | 150 кг.гача | 1 кунга | 3 000 | | 2 000 |
| | 150 кг.дан 1500 кг.гача | 1 кунга | 9 000 | 8 000 | 7 000 |
| 2.3. | **Савдо жиҳозлари учун** (болта, тахтакач, пичоқ, ўриндиқ, воронка, патнис, сават ва х.к.) (бутун туплам учун, бунда туплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиккан холда аникланади) | 1 кунга | 2 000 | 1 700 | 1 500 |
| 2.4. | **Махсус уст-бош кийимлар учун (халат, этак, енглик) (бутун туплам учун, бунда туплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиккан холда аникланади)** | 1 кунга | 1 000 | 1 000 | 1 000 |
| 2.5. | **Маҳсулотлар учун брезент бериш** | 1 кунга | 2 000 | 1 700 | 1 500 |
| 2.6. | **Аравачалар учун** | 1 кунга | 3 000 | 2 500 | 2 000 |
| 2.7. | **Реклама жойлантиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланганлиги учун** (1 кв.м) | 1 кунга | 2 000 | 1 500 | 1 000 |
| 3. | **Кўрсатиладиган хизмат турлари:** | | | | |
| 3.1. | **Қишлоқ хўжалик ва бошқа озиқ -овқат махсулотларини сақлаш:** | | | | |
| | совутгичларда (хар бир яшик, коп ва х.к. учун) | 1 кунга | 3 500 | 3 250 | 3 000 |
| | омборхоналарда, саклаш камераларида (хар бир яшик, коп ва х.к. учун ) | 1 кунга | 2 500 | 3 250 | 2 000 |
| | бозор ҳудудидаги расталарда ва очиқ жойларда (савдо ўрни ҳисобидан) | 1 кунга | 2 500 | 2 250 | 2 000 |
| 3.2. | **Буюмларни омборларда сақлаш (бир 50х50х100 ўлчамдаги жой учун)** | 1 кунга | 2 500 | 2 250 | 2 000 |
| 3.3. | **Маҳсулотларни тарозида тортиш:** | | | | |
| | катта юк тарозида | 1 марта тортиш | 2 000 | 1 750 | 1 500 |
| | йирик ва майда шохли қорамолни тортиш | 1 марта тортиш | 2 500 | 2 250 | 2 000 |
| 3.4. | **Автотарозилардан фойдаланиш:** | | | | |
| | **юк кутариш кувватн 5 тоннадан ортик булган тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан:** | | | | |
| | юк билан | 1 марта ўлчаш | 3 500 | 3 250 | 3 000 |
| | юксиз | 1 марта ўлчаш | 2 500 | 2 250 | 2 000 |
| | **юк кутариш куввати 5 тоннагача булган тиркамали ва ярим тиркамали юк автомашиналаридан:** | | | | |
| | юк билан | 1 марта ўлчаш | 2 500 | 2 250 | 2 000 |
| | юксиз | 1 марта ўлчаш | 2 000 | 1 750 | 1 500 |
| | **енгил автомашиналардан:** | | | | |
| | юк билан | 1 марта ўлчаш | 2 500 | 2 000 | 1 500 |
| | юксиз | 1 марта ўлчаш | 2 000 | 1 500 | 1 000 |
| | **тиркамали енгил автомашиналардан:** | | | | |
| | юк билан | 1 марта ўлчаш | 3 000 | 2 500 | 2 000 |
| | юксиз | 1 марта ўлчаш | 2 000 | 1 750 | 1 500 |
| 3.5. | **Меҳмонхона хизматидан фойдаланиш (1 та жой учун)** | 1 кунга | 8 000 | 7 000 | 6 000 |

| т/р | Кўрсатиладиган хизматлар тури | Ўлчов бирлиги | Олинадиган тўловлар | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Самарканд, Каттакўрғон шаҳри, Ургут туманлари бозорларида | Самарканд, Пастдарғом ва Пайариқ туманлари бозорларида | Вилоятнинг қолган туман бозорларида |
| 3.6. | **Автотранспорт воситаларини вактинчалик сақлаш учун:** | | | | |
| | енгил автомашиналар учун | 1 соатга | 2 000 | 2 000 | 1 500 |
| | юк автомашиналари учун | 1 соатга | 4 000 | 3 500 | 3 000 |
| 3.7. | **Транспорт воситаларининг юк ортиш ва тушириш учун бозорлар ва савдо комплекслари худудига кириши (кишлок хўжалик махсулотларини тушириш учун кирган автотранспорт воситалари бундан мустасно):** | | | | |
| | енгил автомашиналар учун | 1 марта кириш | 2 000 | 1 750 | 1 500 |
| | юк автомашиналари учун | 1 марта кириш | 3 000 | 2 750 | 2 500 |
| 3.8. | **Пойабзал таъмирлаш хизмати** | 1 урин/кунга | 3 000 | 2 750 | 2 500 |
| 3.9. | **Ҳожатхона хизматидан фойдаланиш** | 1 марта | 1 000 | 750 | 500 |
| 3.10. | **Телефондан фойдаланиш** | 1 марта | 500 | 350 | 200 |
| 3.11. | **Радиоузел оркали эълон бериш** | 3 марта такрор | 1 000 | 1 000 | 1 000 |
| 3.12. | **Бошқа кўрсатиладиган ҳар хил хизматлар учун** | 1 кунга | 4 500 | 4 000 | 3 500 |
| 3.13. | **Умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар** *(асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлаклар, тротуарлар, кириш ва чиқиш жойлари, ер остки ва ер устки канализация лотоклари, ташқи ёритиш тармоклари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари, умумий худудни қўриқлаш ва тозалаш, маиший ва мева -сабзавот махсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиш, ташқи муҳандислик-коммуникация иншооатлари)* * | 1 кв.м / ойига | 13 000 | 11 000 | 9 000 |

**) Хафтада бир иш куни булган филиалларда умумий фойдаланадиган объектларни сақлаш учун кўрсатиладиган мажбурий хизматлар учун белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида ундирилади;*

**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПК-1326-сонли "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қиймати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади. Ушбу хизматлар бозорлар ва савдо комплекслари худудидаги бино ва иншоотлар мулкдорларига кўрсатилади ҳамда улар учун кадастр хужжатларида кўрсатилган эгаллаган ер майдонларидан келиб чиқиб, бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти билан бино ва иншоот мулкдорлари томонидан мазкур турдаги хизматларни курсатувчи ташкилотларга кушимча туловлар амалга оширилмайди.*